

# Turkiston

1925-yildan chiqa boshlagan

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI «KAMOLOT» YOSHLAR IJTIMOII HARAKATINING GAZETASI

2002 yil 19 YANVAR, shanba № 8 (14499)

## РЕФЕРЕНДУМДА

### 251720 нафар йигит-қиз биринчи марта овоз беради

2000 йил 25 май куни Олий Мажлисимиз сессиясида Президент Ислом Каримов икки палатали парламентга ўтиш ғоясини олға сурган эди. 27 январь куни бўлиб ўтадиган умумхалқ референдумида халқ маслаҳатига кўйилган биринчи масала шу ғоя билан боғлиқ бўлиб, фуқароларимиз томонидан қўллаб-қувватланса, у профессионал парламентга йўл очади.

Бугун сиз олий ўқув юртларида, коллежларда бўлсангиз, талаба ёшларимиз парламентаризм тарихи, икки палатали парламент ва унинг ўзига хос афзалликларини катта қизиқиш билан ўрганаётганликларига гувоҳ бўласиз.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, умумхалқ референдумида 251720 нафар йигит-қизларимиз биринчи марта овоз берадилар, жамиятимизнинг сиёсий ҳаётига бевосита аралашадилар.

Биз бугун сизнинг эътиборингизга ҳавола этаётган фактлар, хатлар ҳам ёшларимизнинг референдумда фаол иштирок этишларидан далолат беради.

Биз бугун сизнинг эътиборингизга ҳавола этаётган фактлар, хатлар ҳам ёшларимизнинг референдумда фаол иштирок этишларидан далолат беради.

## ХАРАКАТ ФАОЛИЯТИДАН

\*\*\*

“Ўзбекнаво” эстрада бирлашмаси Навоий вилоят бўлими ҳамда Ҳаракат ҳамкорлигида ўтказилган “Азиз она юртим наволари” эстрада кўшиқлари биринчи республика танловининг вилоят босқичига яқун ясалди.

Танловда биринчиликни “Фарҳод” маданият саройи хонандаси Гулчиroy Усмонова, иккинчи ўринни Абдурауф Жалилов, Ирода Йўлдошевлар олишган бўлса, учинчи ўрин эса Зиёда Латипова ва Файзулло Курбоновларга насиб этди.

Нуриддин БОЙМУРОДОВ

\*\*\*

Ҳаракатнинг Юқори Чирчиқ тумани Кенгаши ташаббуси билан “Тинчлик учун курашамиз” мавзuida Янгибозор маданият уйида ёшлар иштирокида тадбир ўтказилди.

Унда туман ҳокимининг ўринбосари Шухрат Турсунбоев, туман прокурори, адлия катта маслаҳатчиси Рустам Хўжакулов сўзга чиқиб, давлатимиз раҳбарининг “Тинчлик учун курашмоқ керак” рисоласида олға сурилган ғоялар тўғрисида, жумладан терроризм ва унинг иллатларига қарши барчамиз бирдек курашмоғимиз лозимлиги ҳақида сўзлаб беришди.

Латифжон МАНСУРОВ

\*\*\*

Ҳаракатнинг Андижон вилоят Кенгаши Жисмоний тарбия ва спорт кўмитасининг вилоят бўлими билан ҳамкорликда ёшлар ўртасида шашка бўйича вилоят биринчилигини ўтказди.

Беллашувларда Фарҳод Мамажонов, Альберт Табадов, Ибрагим Комилжоновлар голибликни қўлга киритишди. Голиблар Фахрий ёрликлар ва эсдалик совгалари билан тақдирландилар.

Искандар АБДУБАННОНОВ

## ИЛК БОР ИШТИРОК ЭТАМИЗ

Биз тенги ёшларнинг аксарият кўпчилиги ўзларининг эртанги кунларини мамлакатимизнинг, халқимизнинг тақдирини билан узвий боғлиқ равишда кўрадилар. Юртимизда амалга оширилаётган катта-кичик ўзгаришлар, янгиланишлар ҳеч биримизни бефарқ қолдирмайди. Чунки бу ўзгаришлар эртага бизнинг ҳаётимизга ўз таъсирини ўтказиши мумкин. Шу маънода мамлакатимиз ҳаётида бўлаётган улкан воқеа - умумхалқ референдуми бир ҳаяжонимизга ўн ҳаяжон қўшмоқда. Нимага деганда, биз ўз ҳаётимизда биринчи марта ба Ватанимиз истиқболи билан боғлиқ жиддий ҳаётий масала юзасидан овоз берамиз, мамлакатимизнинг катта сиёсий ҳаётига аралашамиз. Бу қувончли, ҳаяжонли, шу билан бирга ниҳоятда масъулиятли ишончдир.

Шунинг учун биз аввало референдум кун тартибига кўйилган ҳар иккала масаладан келиб чиқиб, икки палатали парламент тарихини чуқур ўрганиб чиқдик. Бугунги кунда дунёнинг Америка Қўшма Штатлари, Буюк Британия, Франция, Япония каби тараққий этган етмишдан ошди мамлакатидан икки палатали парламент амал қилади. Бу парламентнинг афзал жиҳатлари жуда кўп, энг муҳими, у профессионализмни талаб этади. Қонунларнинг мукамал бўлиши, мамлакатнинг ҳар бир минтақаси манфаатлари ҳимоя этилишини таъминлайди.

Насиб этса, референдумда кўйилган масалалар юзасидан ишонч билан овоз берамиз. Чунки биз нафақат икки палатали парламент, умуман парламентаризм тарихини атрофлича ўргандик, овоз беришда мамлакатимизнинг эртанги кунини учун, келажакимиз учун манфаатли йўлни танлай оламиз.

Саодат ЖАББОРОВА, Мухайё ЁҚУБОВА, Дилфуза ХОТАМОВА, Жаҳон тиллари университети талабалари

## ТАҚДИРИМИЗГА ДАХЛДОР

Бошланган янги йилимиз, айниқса, биз - қарияларнинг ҳаётида ўчмас из қолдирадиган бўлди. Юртбошимиз 2002 йилни Қарияларни қадрлаш йили, деб эълон қилган эканлар, биз ҳар қадамда ўзимизга бўлган ҳурмат-эътиборни ҳис қилиб турибмиз.

Ҳадемай бўлиб ўтаётган умумхалқ референдумида биз - ўз ҳаётида истибдод тузумининг жабру зулмини кўп кўрган қариялар фаол иштирок этамиз. Чунки бу истиқлолимиз ва истиқболимизнинг, давлатчилигимизнинг янада ривожланиши билан боғлиқ масаладир. Унда фаол иштирок этишни ўзимизнинг фуқаролик бурчимиз деб биламиз.

Бир ўйлаб кўринг, собиқ советлар замонида ҳам Ватанимиз тақдирига дахлдор бирор бир масалани

ҳал этишда халқимиз билан маслаҳатлашилarmiди? Йўқ, албатта. Ҳамма нарса “марказ”дан ҳал қилинар, фуқаролардан сўраб ҳам ўтирилмасди.

Олий Мажлисимизнинг ушбу муҳим масалани ҳал этишда ўзига хос тарзда халқ билан маслаҳатлашиши жуда катта аҳамиятга эга. Бу мамлакатимизда демократик тамойилларнинг янада чуқур илдиз отаётганидан далолатдир.

Биз ўзимизга берилаётган яна бир улкан имкониятдан масаланинг моҳиятини теран англаган ҳолда фойдалана олишимизга ишонаман.

Холмурод АШУРОВ, Сурхондарё вилояти Бойсун тумани Хўжабулғон қишлоғи, 1920 йилда туғилган

Умумхалқ референдумида 13210421 нафар фуқаро иштирок этади. Уларнинг аксариятини ёшлар ташкил қилади

“Жамиятда давлат ҳаётининг энг муҳим масалалари халқ муҳокама-сига тақдим этилади, умумий овозга (референдумга) кўйилади. Референдум ўтказиш тартиби қонун билан белгиланади” (Ўзбекистон Республикаси Конституциясидан)

## Бўлажак референдум

германияликлар нигоҳида

Турли давлатларнинг етакчи сиёсий ва ижтимоий арбоблари мамлакатимизнинг хорижий эллардаги элчионаларига мурожаат қилиб, Ўзбекистоннинг ижтимоий-сиёсий ҳаётига оид муҳим масалалар юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришмоқда. Уларда мамлакатимизда барча соҳаларда амалга оширилаётган ислохотларни, республикада тараққиёт ҳамда демократияни ривожлантириш йўлида қўллаб-қувватлаш ва хайрихоҳликлар ўз ифодасини топган.

Германиянинг собиқ ташқи ишлар вазири Ханс-Дитрих Геншер Ўзбекистон Республикасининг ГФРдаги элчихонасига йўллаган мактубида “2002 йилнинг 27 январидан бўладиган референдум халқаро ҳамжа-

миятнинг тенг ҳуқуқли аъзоси сифатида Ўзбекистоннинг бугунги тараққиётида, шубҳасиз, жуда муҳим воқеа эканлигини” таъкидлайди.

Ўз навбатида, Бавария парламенти вице-президенти Р.Риесс ўзини Ўзбекистон билан боғланган инсон сифатида ҳис қилишини изҳор этади. “Ўзбекистон халқининг демократик давлат ва жамият куриши йўлидаги саъй-ҳаракатлари, шубҳа йўқки, мамлакатнинг порлоқ келажакини таъминлайди”.

“Мен референдумда халқаро кузатувчи сифатида иштирок этиш имконияти яратилганидан жуда мамнунман, - дейди Германиянинг Рейнланд-Пфальц федерал ерлари парламенти вице-президенти Ф.Грютцмакер. - Бу, шубҳасиз, Ўзбекистоннинг маданияти ва бугунги кунини билан яна ҳам яқиндан танишимизга ёрдам беради. Айни пайтда мен республикада замонавий босқичда содир бўлаётган барча ўзгаришлар ва ислохотларни катта қизиқиш билан кузатиб бораман”.

Ҳозирги пайтда Германияда яшовчи собиқ ватандошларимиз йўлаган мактубда бугунги мураккаб халқаро шарт-шароитлар замонида мамлакатимиз юритаётган оқилона сиёсатдан фахр-ифтихор изҳор этилган.

“Биз мамлакатимизнинг ташқи сиёсат борасидаги барча саъй-ҳаракатларидан фахрланамиз ва табриқлаймиз, ишончимиз комилки, Ўзбекистон ўзининг порлоқ келажакни йўлида ҳали кўп нарсаларга эришади. Шубҳа йўқки, республиканинг

тараққий топиши йўлидаги барча муваффақиятлар Ўзбекистон Президенти номи билан чамбарчас боғлиқдир”, деб таъкидлайди Халле/Заале шаҳрида яшовчи В.Херсонский.

Яна бир собиқ ватандошимиз, бир вақтлар Самарқандда яшаган, ҳозирги пайтда эса Эссен шаҳрида истиқомат қилувчи П.Губина ўз мактубида Ўзбекистон билан, жумладан, қадрдон шахри Самарқанд билан фахрланишини ёзар экан, республика парламенти фаолиятини такомиллаштириш юзасидан олиб борилаётган ишларни чин дилдан қўллаб-қувватлашини изҳор этади.

«Жаҳон» АА



## ЎЗБЕКИСТОННИНГ МАШХУР ЁШЛАРИ

Артур ГРИГОРЯН:

## ЯНА БИР МАРТА ҒАЛАБА ҚИЛСАМ...

Профессионал боксда омадли ҳамюртимиз Артур Григорян 16-рақиби мексикалик Рокки Мартинесни еннгач, ёруғ юз билан туғилиб-ўсган юрти — Ўзбекистонга келди. Биз Артурни навбатдаги ғалаба билан, кутлаб мухлислар талабига кўра суҳбатга тортдик.

— Чемпионлик камарини сақлаб қолиш қийин кечгандир? Хар қалай, 8 раунд жанг қилган боксчи ҳам анойилардан эмасга ўхшайди?

— Албатта, ҳамма ҳам ютаман, деб рингга чиқади. Рақибим Рокки Мартинес жуда кучли боксчи эди. Буни унинг 35 бора жанг қилиб, шундан атиги 4 тасидагина мағлуб бўлганидан ҳам билса бўлади. Қолаверса, у икки бора чемпионларга қарши рингга чиқиб, кичик ҳисобдаги фарқ билан ютказган, холос.

— Сиз бундан олдинги жанггингизда қўлингиздан жиддий жароҳат олгандингиз?

— Ҳақиқатдан жанг анча қийин кечди. Бу жароҳатдан, шубҳасиз, Рокки ҳам бундан хабардор бўлган. Ва худди шу нарса унинг мен ҳақимда тўплаган “материал”ларининг энг катталаридан бири бўлса, ажаб эмас. Шубҳасиз, бу ҳол уни руҳлантирганди. Бироқ тажрибам, оёқдаги ҳаракатларим яна иш берди.

— Билишимизча, жанг рефери томонидан тўхтатилган экан. Рокки Мартинес бу қарорни қандай қабул қилди. Зеро, хар ким ҳам мағлубиятни тан олавермайди...

— Дарвоқе, жангимиздан сўнг матбуот анжумани уюштирилганди. Шунда Рокки: “Мен рефери нима учун жангни тўхтатганини тушунма-

дим” дея норозилигини билдирди. Бироқ мураббий мард экан: “Йўқ, рефери ҳақ биз ҳам жангни тўхтатиш ниятида эдик” деб унга эътироз билдирди.

— Сиз профессионал боксининг бошқа йўналишларида ҳам жанг қилмоқчи экансиз. Бу гап қай даражада ҳақиқатга яқин?

— Тўғри савол бердингиз. Ҳозир ўзимга, қолаверса, менежеримга ҳам журналистлар бу тўғри-сида савол беришади: “Қачон Артур бошқа йўналишдаги чемпионларни жангга чақиради?”. Мен WBA, WBCдаги чемпионларга ниятимни айтдим. Аммо улар қилиш осонмас, у енгил вазн бйича дунёда чемпион”, — дейишмоқда.

— Айтинг-чи, қаторасига 16 марта чемпион бўлишингизнинг сири нимада?

— Менимча, бунинг сабаби мухлисларим, аввало Президенти-миз Ислон Каримов бўлсалар керак. Негаки, доим жанг олдида мени голиблигимни интизорлик билан кутиб турувчи ва хар гал Ўзбекистонга учиб келганимда гуллар, карнай-сурнайлар билан кучоқ очиб кутиб олувчи ота-онам, ёр-дўстларим, юзлаб юртдошларим кўз олдимдан ўтади. Ўз-ўзидан ғалаба қилишим зарурлигини ҳис этаман.

— Бу йўналиш бўйича дунёда


рекорд қўйиш қолди. Кейин бўлади? Рақибингиз ким?

— Бўлажак рақибим кимлиги ҳали номаълум. Бироқ апрель ёки май ойининг охирида навбатдаги даъвогар билан жанг қилишим аниқ. Кучим, тайёргарлигим шундай бўлиб турса, ким бўлишининг менга қизиғи йўқ, ютаман. Рекорд қўйишимга келсак, албатта яна бир марта ғалаба қилсам, бас. Лекин мен ҳали-бери жанг қилишни тўхтатиш ниятида эмасман. Насиб этса, 20 марта чемпион бўлганимда ҳам журналистлар билан учрашиш ниятим бор.

— Сўнгги савол. Артур ака, ғалаба қилганингиздан сўнг Ўзбекистонга қайтаётганингизда хаёлингиздан нималар кечади?

— Юракдан қўллаб-қувватловчи халқимиз бир-бир хаёлимдан ўтади. Шу боисдан ҳам юртимга талпинаман. Қанот боғлаб учгим келади. Ўзбекистон менинг Ватаним. Ота-онам, дўстларим ҳаммаси шу ерда. Мен ҳозирча фақатгина шартнома билан Германияда ишляпман. Қачонлардир бутунлай келаман. Мени ғалабага ундовчи сеҳрли куч — шу она юрт.

Улуғбек ҲАКИМЖОНОВ суҳбатлашди



ЯҚИН ШАРҚ

Фаластинлик шахс Исроилнинг Хадера шаҳридаги банкет залга бостириб қариб, ўтирганларга қарата автоматдан ўқ узган. У ерда собиқ СССРдан кўчиб келган муҳожирлар оиласи 12 ёшли қизчасининг туғилган кунини нишонлаётган эди. Бу отишма натижасида етти киши ҳалок бўлган, қирқ киши оғир аҳволда касалхонага жойлаштирилган. Хужум уюштирган шахс полиция томонидан отиб ташланган. Фожеадан бир неча соат ўтча, Исроил ҳаво кучлари Фаластин ҳукуматининг Тулькармадаги штаб-квартирасига хужум уюштирди.



АҚШ

Пайшанба куни Нью-Йорк мактабларининг бирида бир ўқувчи номаълум сабабларга кўра 2 ўқувчини отиб ташлаган. Улар оғир ярадор ҳолда госпиталга жойлаштирилган, “ёш гангстер” эса полиция томонидан қўлга олинган. Шу куни АҚШнинг Виржиния штатидаги Гранди шаҳрида ҳам адлия коллежи талабаси ўз декани ва ўқитувчисини отиб ташлаган, уч талабани ярадор қилган. Жиноятчи талабалар ёрдами билан қўлга олинган.

У Нигериядан келиб ўқиётган талаба бўлиб, яқинда бу коллеждан ҳайдалишида декани айбдор ҳисоблаб, ундан ўч олишга қарор қилган. Натижада коллежда ҳафта охиригача ўқиш бекор қилинди.

РОССИЯ

Краснодар ўлкасида сув тошқини сабабли фавқулдда ҳолат эълон қилинган. Ҳозир Кубан дарёсида сув йўлини очиб юбориш бўйича катта ишлар қилиняпти. Эриётган қорни денгизга йўналтириш учун йўлни очишяпти. Сувнинг аста-секин қайтиши натижасида бу ўлканинг 85 кв.км майдони сув отида қолди. Краснодар ўлкаси губернатори Александр Ткачевнинг айтишича, умумий зарар 1 млрд. рублдан ошади. Бу тошқин натижасида ўнлаб фермер хўжаликлари катта зарар кўрган. 50 минг гектар экин ерларини энди бир неча йилдан сўнг қайта тиклаш мумкин. Бу зарарни қоплаш учун уларнинг қурби етмайди. Шунинг учун марказдан ёрдам кутиляпти. Эвакуация қилинган 272 киши санатория ва дам олиш уйларида жойлаштирилган.



Jinoyatga yarasha jazo

ҚЎШНИНГДАН  
ТОП

Тошкент шаҳридаги Юнусобод туманида икки номаълум шахс 7-даха 41-уйда яшовчи О. Насимовнинг уйига бостириб кириб, қўрқитиб, шахсий мол-мулкни тортиб олиб кетади.

Туман ички ишлар ходимлари томонидан ўтказилган тезкор тадбирлар натижасида ушбу жиноятни шу уйга қўшни хонадонлардан бирида яшовчи муқаддам судланган Н. Волосова ҳамда Ҳамза тумани Тўртқўл кўчаси 31-уйда яшовчи А. Абдуқодировлар содир этганликлари аниқланди.

НУРГА  
СОЯ СОЛМОҚЧИ ЭДИ

Алюмин “дарди”га мубтало бўлган кишилар нафақат кўча-кўйда ётган рангли металл чиқиндиларини, балки туппа-тузук ишлаб турган ускуналарни ҳам ўғирлаб сотиш пайига тушмоқдалар. Шундайлардан икки нафари яқинда қўлга олинди.

Тошкент вилоятининг Оҳангарон тумани ички ишлар бўлими ходимлари туманининг Ғаллақудуқ жамоа хўжалиги ҳудудидаги алюминими сими қирқиб олиб кетилганидан хабар топгач, тезкор тадбирларни бошлаб юбордилар. Кўп ўтмай, қишлоқ аҳли турмуш тарзи учун жуда катта аҳамиятга эга бўлган электр нурларини таратувчи симни ўғирлаган ака-ука далилий ашё билан қўлга олинди. Улар ушбу жамоа хўжалигида яшовчи Нурғали ва Хайрулла Мамбетовлар экан.

Шухрат РЎЗИЕВ,  
ИИБ матбуот маркази ходими


## ЯНГИ МАРКАЗ ИШГА ТУШДИ

Каттакўрғон туман марказий шифохонасининг бир йил ичида янги-ча тус олиши, яъни кўркам таъмирдан чиқиши таассуротимизни бир қадар бойитди. Табиийки, шинам ва ёруғ хоналар беморларнинг тезроқ соғайишига имкон беради.

— Узоқда яшайдиган аҳолига тиббий хизматни яхшилаш мақсадида Мойбулоқ қишлоқ ҳудудида 10 ўринга мўлжалланган туғруққа тайёрлаш бўлими очилди, — дейди Каттакўр-

ғон туман марказий шифохонаси бош врач Хайрулло Боймуродов. — Янги йил арафасида туман марказий шифохонаси ҳузурида 30 ўринга мўлжалланган тез тиббий хизмат кўрсатиш маркази ишга тушди. Тумандаги барча даволаш профилактика муассасалари ҳудудларида ободонлаштиришга эътибор қаратилган.

Бобомурод РАЙИМОВ

ЮРТИМИЗ ФАРОВОН  
БЎЛАДИ

“Янги бозор” Андижон шаҳридаги энг кичик, лекин энг гавжум бозор. Бир ярим гектарга жойлашган бу мўъжазгина бозор

автовокзалга яқинлиги, аҳоли зич жойлашган ҳудуддалиги сабабли

“Жаҳон универсал бозори” ва марказий дехқон бозорига нисбатан кўпроқ харидорни ўзига торта олади.

Ўтган йили бозорда тадбиркорларга янада қулайлик яратиш мақсадида сабзавот растаси учун 160 ўринли павильон қурилди. Тижорат павильонида эса 120 та жой қайта таъмирланди. “Мирпўстин” даҳасида 40 ўринли шоҳобча, 3-кичик даҳада 50 ўринли усти ёпик савдо растаси бунёд этилди. Бугун “Янги бозор”да 770 та савдо ўрни бор. Пул айланиш даражаси бошқа бозорларникидан катта. 2000 йил умумий даромад 46 миллион 530 минг сўмни, соф фойда эса 5 миллион 260 минг сўмни ташкил этган бўлса, 2001 йилда умумий даромад 65 милли-

он 200 минг сўмга, соф фойда 11 миллион 100 минг сўмга етди. Рентабеллик 2000 йилда 27 фоизни, 2001 йилда эса 53 фоизни ташкил этди. Агар бозорнинг қулай ҳудуддалигини ҳисобга олиб, у янада кенгайтириладиган бўлса, “Янги бозор”нинг имкониятларидан тўлароқ фойдаланилган бўларди. Яқин кунлар ичида ҳозирги бозорнинг орқа томонидан қўшимча объектлар қурилади. Натижада расталар сони 1 минг 680 тани ташкил этади.

— Қураётган бозоримиз ўз харажатларини қисқа муддатда қоплаб, ўзини оқлашига ишонамиз, — дейди бозор раҳбари Равшан Аҳмедов. —



Чунки жойимиз қулай, бунинг устига бу ҳудудда аҳоли зич жойлашган.

Хуллас, бугун Андижонда бозорга, унинг шароитларини яхшилашга катта эътибор берилмоқда.

Нодиржон ЮСУПОВ,  
«Turkiston» мухбири



**ЖАЪФАР ОМАДИНИ «АНЖИ»ДА СИНАМОҚЧИ**

«Дўстлик» жамоасининг собик ўйинчиси, Беларуснинг «Славия»сида омади юришмаган ҳамюртимиз Жаъфар Ирисметов келаси мавсумдан бошлаб Махачқалъанинг «Анжи» жамоаси таркибига тўп суриш ниятида.

**УМИДИМИЗ «НЕФТЧИ»ДАН**

Яқинда МДХ чемпионлари Кубоги футбол турнири бўлиб ўтади. Унда Ўзбекистон шарафини «Нефтчи» жамоаси йигитлари ҳимоя қилишади. Мусобақага ташриф буюрган 16 та жамоа тўрт гуруҳда ғолиблик учун ўзаро кураш олиб боради. Мусобақанинг финал ўйини 27 январда ўтказилади:

**«А» гуруҳи:**

1. Спартак (Россия)
2. Нефтчи (Ўзбекистон)
3. Шериф (Молдава)
4. Пюник (Арманистон)

**«С» гуруҳи**

1. Динамо (Украина)
2. ФБК «Каунас» (Литва)
3. Шамкир (Ўзарбайжон)
4. Регар (Тожикистон)

**«В» гуруҳи**

1. Сконто (Латвия)
2. Торпедо (Грузия)
3. Женис (Қозоғистон)
4. Россия ёшлар терма жамоаси

**«Д» гуруҳи**

1. Бельшина (Белоруссия)
2. Флора (Эстония)
3. АСК-ПВО (Қирғизистон)
4. Ниса (Туркменистон)

**Воҳид БОЙМУРОДОВ**  
тайёрлади

**«УМИД НИҲОЛЛАРИ»**

**СОҒЛОМ ВА БАРКАМОЛ АВЛОДНИ ТАРБИЯЛАЙДИ**

«Умид ниҳоллари» спорт мусобақаларини ўтказишдан асосий мақсад — мактаб ўқувчилари қалбида спортга муҳаббат уйғотишдан иборат бўлиб, у яна ёш авлодда жисмоний баркамолликни кўриш, ҳар бир ёш спортнинг битта ёки бир неча турини севиб, қизиқиши ва келажақда баркамол авлод бўлиб етишишларини назарда тутди.

— Очиғи, вилоят халқ таълимига қарашли мактаблардаги шариит ўқувчи-ёшларнинг спорт билан шуғулланишлари учун етарли эмас. Аммо биз ўтказган мусобақалардан шу нарса аён бўлдики, ўқувчиларимиз спортнинг кўпгина турларини пухта эгаллашган экан, — дейди вилоят кўнгилли спорт жамияти раиси муовини Зафар Каримов.

Яқинда Термиз шаҳрида «Умид ниҳоллари» мусобақасининг вилоят босқичи бўлиб ўтди. Унда тўртта минтақада ғолиб бўлган жамоалар спортнинг 11 тури бўйича беллашдилар. 5-7-синфлардан иборат 496 нафар ёш спортчилар иштирок этишди.

«Алпомиш» ўйингоҳида футбол беллашувлари бўлиб ўтди. Унда Термиз шаҳри мактаб ўқувчилари жамоаси деновлик ёш спортчиларни доғда қолдириб, ғолиб

бўлдилар. Шунингдек, қўл тўпи беллашувларида яна Термиз шаҳри ёш гандболчи қизлари жарқуронликлар жамоасини мағлуб этишди. Бундан ташқари шахмат, волейбол, шашка, стол тенниси, баскетбол ва кураш мусобақалари ҳам қизгин баҳслар остида ўтди.



Мусобақа якунлари эса қуйидагича бўлди: умумжамоа ҳисобида биринчи ўрин Денов тумани, иккинчи ўрин Жарқурғон тумани, учинчи ўрин эса Термиз шаҳри ўқувчиларига насиб этди. Ғолибларга вилоят халқ таълими, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят Кенгаши, касаба уюшмалари вилоят Кенгашларининг эъдалик совғалари, фахрий ёрлик ҳамда дипломлари берилди.

Вилоятда «Умид ниҳоллари»нинг 8-11-синфлар бўйича минтақа босқичлари шу йилнинг февраль ойида Узун, Қумқўрғон, Шеробод тумани ва Термиз шаҳрида ўтказилиши режалаштирилган. Март ойида ушбу синфлар жамоаларининг мусобақаси вилоятимиз марказида ўтказилиб, ғолиб жамоа апрель ойида Фарғона шаҳрида бўлиб ўтадиган республика финал босқичида иштирок этади.

**Чори ЖУМАКУЛОВ,**  
«Turkiston» муҳбири

**СЕВАРА КИМНИ СЕВАДИ?**

Стол тенниси бўйича жаҳон чемпиони Севара Қодировани кўпчилик танийди. Яна у ҳақидаги мақолани ўқиётиб, ҳаде-еб шу қиз тўғрисида ёзавериш шартмикин, деб ўйлашингиз мумкин. Мулоҳазангизга жавобан эътирозимиз тайёр. Сиз Севарани фақат спортчи сифатида танийсиз. Ваҳоланки, у машҳур теннисчи бўлиш билан бирга мамлакатимиз ёшларининг бир вакили, боз устига қиз бола ҳам! Ҳа, келишган, ақли, одобли қиз бола. Хотирингиз жам бўлсин, бу гал спорт ҳақида баҳслашмаймиз у билан. Анъанавий саволлар ҳам йўқ. Севаранинг ёш қиз сифатидаги орзулари, истаклари сизниям қизиқтирса керак, албатта.

— Севара, мана 19 га кирдим деяпсиз. Турмушга чиқиш ҳақида ўйлаб кўрдингизми?

— Кейинги пайтда тез-тез ўйлайдиган бўлиб қолдим. Қанақа жойга келин бўламан? Тушган жойимда мени тушунишадими, йўқми?

— Гапингизни бўлдим, сиз замонавий қизсиз. Айттайлик, сиз тушган оиллага юриш-туришингиз маъқул бўлмади. Унда нима қиласиз?

— Аввало, иложи борича тушунган хонадонга келин бўлишга ҳаракат қиламан. Сиз айтгандай ҳолатга дуч келмасам керак. Ҳозир ҳамма даврнинг талаб-эҳтиёжларини тушунади. Менга қаршилик қилишмаса керак, деб ўйлайман.

— Машҳурликнинг «лаззат»ини сал эртарок бўлса-да, татиб кўрдингиз. Қисқаси унинг таъми қалай экан?

— Менимча, ҳаммаси айни вақтида юз берди. Чунки қиз боламан. Кечиксам, турмуш юмушларига ўралашиб қолардим. Машҳурлик хусусида тўхталсак, жуда яхши экану фақат атрофингда нотўғри гап-сўзлар кўпайиб кетаркан.

— Масалан?

— «Бу қиз спортдан бошқасини билмайди. Кўчада юрган қиз уй

ишларини қаёқдан билсин?» қабилидаги. Ростки, жажлим чиқади. Библи-билмай бировга баҳо бериш қандай бўларкин? Ойлада катта қизман. Дадамни ёлғизлатгим келмайди. Ҳамма ишга қарашаман. Сабзи ўташим, девор уришим... Қиз боламан деб ўтирмайман. Ҳатто далада ҳам ишлаганман. Хоҳлаган таомни пиширишим мумкин.

— Баъзан «одамларнинг гапи» билан ҳисоблашишга тўғри келади.

— Аммо дунёқарашингиз кенгайгани сари майда-чуйдаларга аҳамият бермай кўяркансиз. Илгари нотанишлар, ахён-ахёнда танишлар ҳам: «У-ў, Севарахон одам танитайиб келди, бу киши чемпионлар-да энди!»

— деа эшиттириб пичинг қилишганида хафа бўлардим. Ҳозир ҳам индамайман, жуда бўлмаса «Сиз ҳам ҳаракат қилсангиз эришасиз» дейман мулойимлик билан.

— Жуда кўп мамлакатларда бўлгансиз: Япония, Швеция, Хиндистон... Айтмоқчиманки, юртимиздан узокларда бўлганда, хаёлингиздан нималар кечади?

— Тўғри, кўп юртларда бўлдим. Аммо ҳеч бирини Ўзбекистонга ўхшатмадим!



Айниқса, кўп халқларнинг саломлашиши ёқмади. Кўнглим чўкиб, ўзбекларнинг кучок очиб омонлашини кўрсатдим. Лекин хинд йигит ва қизлари ўртасида ажойиб одат бор экан. Аввалига нотаниш йигитларнинг қўл кўтариб саломлашишдан таажжубландик. Кейин ўзимиз ҳам...

— Биздаги йигитларга қўл кўтариб, табассум қилсангиз борми...

—Ҳа-а, ортингиздан қолишмаса керак.

— Севарахон, мана 2 та «Тико» соҳибисиз. Қайси бирини миняпсиз?

— Ҳеч қайсисини десам ёлғон бўлар. Баъзида қизилини минаман. Шундаям Чуст кўчаларида, шаҳарда эмас. Бирини мени вояга етказган отамга, иккинчисини тоғамга, яъни устозимга совға қилдим.

— Бировни севганмисиз?

— Билмадим, у севгимиди, ҳавасмиди... Ҳарқалай бир йигит билан самимий гаплашардик. Уйланадиган бўлди. Уйдагилар мени келин қилмаймиз, дейишибди. Шим кийишим ёқмаганмиш... Ҳозир болали бўлди шекилли.

— Чамамда, бугунги йигитлар ҳақида фикр билдиришингизни мавриди келди.

— Мустақиллик етишмаяпти баъзиларида. Ҳаёт ҳақида, оила ҳақида шахсий фикрлари йўқ. Менга шунақаси учрамасин ишқилиб. Яна... йўқотишни хоҳламайман.

— Охирги саволим. Нимани яхши кўрасиз?

— Кўп нарсани. Ҳа, Севаранинг яхши кўрган нарсалари кўп. Айниқса, қалби пок инсонларни кўпроқ ардоқлайди. Демакки, қалби меҳрга тўлиқ бу қизни манман, шухратпараст деганлар адашади. У ким нимани истаса — астойдил ҲАРАКАТ қилса ниятига, албатта етади, деб ёзишимизни илтимос қилди.

**Назокат БАҲОДИРОВА**  
суҳбатлашди

**ЮЛДУЗЛАР СЎЙЛАГАНДА**  
(21-28 ЯНВАРЬ)

**Кўй.** Вақтингизни бекор ўтказманг. Бу ҳафта муҳим маълумотлар оласиз, керакли алоқалар ўрнатасиз. Агар атрофингизга дўстларингизни йиға олсангиз, кўзлаган мақсадингизга осонгина эришасиз. Одамларга кўполлик қилманг, улар билан босиқ муомалада бўлинг.

**Бузоқ.** Ҳафта сиз учун осойишта ўтади. Атрофдагилар билан қилган муомалангиз, ишингизга ўйлаб ёндашишингиз муаммоларингизни қийинчиликсиз ҳал қилишингизга ёрдам беради. Молиявий аҳволингизни ўнглаб оласиз.

**Эгизаклар.** Кашфиётчилигингиз ишларингизни тез ва муваффақиятли бажаришингизга имкон беради. Лекин ишонувчанлигингиз ва очиққўнчилигингиз ишингизга панд бериб қўйиши мумкин.

**Қисқичбақа.** Шахсий ҳаётингизга ва турмуш ўртоғингизга кўпроқ эътибор беринг. Муаммоларингизни моҳирлик ва эпчиллик билан ҳал қилишингизга тўғри келади, турмуш ўртоғингизга бироз ён боссангиз ҳеч нима йўқотмайсиз.

**Арслон.** Ишингизни ўзгартириш фикрида юрган бўлсангиз, бу ҳафта амалга оширмай турганингиз маъқул. Яхшиси, дўстларингиз билан учрашингиз, янги танишлар орттиринг. Ишингизда жонбозлик кўрсатинг.

**Паризод.** Касбдошларингиз билан муносабатларингиз яхши бўлади, шахсий ҳаётингизда бироз кўнглисизликлар бўлиб ўтади. Асабингиз бузилиб, аҳволингиз танг ҳолатга тушиб қолиши мумкин. Яхшиси, ўз ақлингизга ва сезгингизга ишонинг.

**Тарози.** Ҳамма ишларингиз яхши кетса ҳам, оилавий ҳаётингизда муаммолар туғилиши мумкин. Уларнинг осон ҳал қилиниши, аввало сизга - муаммага қанчалик моҳирлик билан ёндашишингиз, устамонлигингиз ва ақлингизга боғлиқ.

**Чаён.** Қариндошларингиз ва дўстларингиз кўнглини оғритиб қўймаслик учун аввало ўз кайфиятингизни бузмасликка, эҳтиросларингизни жиловлаб олишга ва совуққон бўлишга ҳаракат қилинг. Айниқса, ҳамкасбларингиз ҳақидаги миш-мишларга, ғийбат гапларга ишонманг. Бу ҳафта пул тўлаш билан боғлиқ ишларингизни амалга ошириб олинг.

**Ўқотар.** Бу ҳафта ажойиб ўтсин деса сангиз одамларга ортиқча ишониб юборманг, фирибгарлар алдаб кетишлари мумкин. Осон келувчи пуллари орзу қилманг, шухратпараст бўлманг.

**Тоғ эқиси.** «Буюк ишлар»ни амалга ошириб, «буюк одам» бўламан деб орзу қилмай кўяқолинг. Яхшиси, касбингизга «бошингиз билан шўнғинг», ютқизмайсиз. Уй-жой муаммоси, оила жамғармасига оид ишлар билан шуғулланмай кўяқолинг.

**Ковга.** Ўз мақсадларингизни ақл билан, бор имкониятларингиздан келиб чиқиб режалаштириб олинг. Одамлардан кўп шубҳаланаверманг, майдагап бўлманг. Болалар ва катталар билан муносабатларингиз яхши бўлади.

**Балиқ.** Молиявий аҳволингиз танг аҳволга тушиб қолмаслиги учун, дўстларингиз билан тадбиркорлик ишларини амалга оширмай туринг. Атайлаб бўлмаса ҳам, улар сизни «тушириб» кетишлари мумкин. Яхшиси, тинчгина уй-хўжалик ишларига оид муаммоларингизни ҳал қилганингиз маъқул. Кўчмас мулкка оид режаларингизни ҳеч кимга айтмай туринг.



ДУШАНБА, 21 ЯНВАРЬ

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон». 8.00-8.45 «Тахлилнома». 8.45-17.55 ТВ маркет. 8.50 «Камалак». Болалар учун кинодастур.

Профилактика муносабати билан душанба 21 январь кунин «Ёшлар» телеканали кўрсатувлари соат 15.00 да бошланади.

17.15 Кўрсатувлар тартиби. 17.20 Болажонлар экрани. «Галгамет» 1-кисм.

СЕШАНБА, 22 ЯНВАРЬ

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!». 8.00 - 8.35 «Ахборот». 8.35-17.55 ТВ-маркет.

кўрсатуви. 18.30 М. Евдокимов ҳузурда меҳмонда. 19.00 «Мени кутгил».

16.55 га қадар профилактика. 17.00 Дастурнинг очилиши.

11.45 га қадар профилактика ишлари. 11.45 «Санта-Барбара». Телесериал.

7.00, 8.00, 10.00, 12.00, 14.00, 16.00, 18.00, 21.00, 24.00 «Бугун».

ЧОРШАНБА, 23 ЯНВАРЬ

22.30 «Мувоозанат». 23.00 «Ахборот - дайжест». 23.20 - 23.25 Ватан тимсоллари.

9.00 Дастурнинг очилиши. 9.05, 17.45, 21.00 - «Телехамкор».

15.00 «Аралаш-қуралаш». 15.25 Мўъжизалар мамлақати. 3.30 «Бордо» автопойга «Эх», сайр қилдираман!» комедиясида.

7.00, 19.00 «Ной болалари» дастури. 7.30, 16.00 «Довюрраклар». Сериал.

ПЯТШАНБА, 24 ЯНВАРЬ

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!». 8.00-8.35 «Ахборот». 8.35-17.55 ТВ-маркет.

ШУБА, 25 ЯНВАРЬ

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!». 8.00-8.35 «Ахборот». 8.35-17.55 ТВ-маркет.

9.00 Дастурнинг очилиши. 9.05, 17.45, 21.00 - «Телехамкор».

6.00 «Хайрли тонг!» телеканали. 9.00, 12.00, 15.00 Янгиликлар.

5.50, 6.50, 7.50, 8.50, 20.35, 23.15 «Вести» - Москва.

ЧОРШАНБА, 23 ЯНВАРЬ

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!». 8.00-8.35 «Ахборот». 8.35-17.55 ТВ-маркет.

17.15 Кўрсатувлар тартиби. 17.20 ТВДа сериал: «Санта-Барбара».

8.55 Кўрсатувлар дастури. 9.00 «Давр». Ахборот дастури.

ди?». К. Новикова ва Е. Яковлева билан ток-шоу.

10.00 «Этикодиннинг овози». Диний кўрсатув.

7.00, 8.00, 10.00, 12.00, 14.00, 16.00, 18.00, 21.00, 24.00 «Бугун».

9.00, 19.30 RЕН TV да «Fox Kids»: «Пауэр Рейнджерс ёки қудратли Рейнджерлар».

ЧОРШАНБА, 23 ЯНВАРЬ

18.35 Оқшом навалари. 18.45 Каталог.

17.15 Кўрсатувлар тартиби. 17.20 ТВДа сериал: «Санта-Барбара».

9.00 Дастурнинг очилиши. 9.10, 17.45, 21.00 - «Телехамкор».

лика Сиси». Мультсериал (АҚШ). RЕН TV да «Fox Kids».

7.00, 19.00 «Ной болалари» дастури. 7.30, 16.00 «Довюрраклар».

8.00 «Кайфият». Тонгги канал. 10.50 Газеталар ёмири.

17.15 «Вести» - Москва. 17.20 «Ахборот - дайжест».

ЧОРШАНБА, 23 ЯНВАРЬ

19.00 «30-канал» кинооқшоми: «Тармок».

6.00 «Хайрли тонг!» телеканали. 9.00, 12.00, «Мухаббат ёри».

5.50, 6.50, 7.50, 8.50, 20.35, 23.15 «Вести» - Москва.



10.00 «Этикдлиннинг овози». Диний курсатув.

10.30 «Санокли кунлар» (АҚШ). 12.30, 16.30 «Экстрис ва жаннат» (АҚШ — Англия — Австралия). 1-сериялар.

ТВ

7.00, 8.00, 10.00, 12.00, 14.00, 16.00, 18.00, 21.00, 24.00 «Бугун».

9.00, 19.30 REX TV да «Fox Kids»: «Пауэр Рейнджерс ёки қудратли Рейнджерлар».

17.30 «Ёввойи Америка». Сериал. 18.00 «Мен Люсини севаман».

8.00 «Кайфият». Тонги канал. 10.50 Газеталар ёмғири.

Мультисериал (АҚШ). 18.30 REX TV да «Fox Kids»: «Ақлга сигмас Халк».

13.30 ТВ клуб. 14.30 «Қўлга тушмас Хильда».

13.25 «Сана». Телеканал. 14.25 «Петербург сирлари».

ПАЙШАНБА, 24 ЯНВАРЬ

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00 - 8.35 «Ахборот».

23.50 «Давр». Ахборот дастури. 00.50-00.55 Хайрли тун!

5.50, 6.50, 7.50, 8.50, 20.35, 23.15 «Вести» — Москва.

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00 - 8.35 «Ахборот».

6.00 «Хайрли тонг!» телеканал. 9.00, 12.00, 15.00 Янгиликлар.

9.00, 19.30 REX TV да «Fox Kids»: «Пауэр Рейнджерс ёки қудратли Рейнджерлар».

8.55 Курсатувлар дастури. 9.00 «Давр». Ахборот дастури.

9.00 Дастурнинг очилиши. 9.05, 17.40, 21.00 — «Телехамкор».

7.00, 8.00, 10.00, 12.00, 14.00, 16.00, 18.00, 21.00, 24.00 «Бугун».

7.00, 8.00, 10.00, 12.00, 14.00, 16.00, 18.00, 21.00, 24.00 «Бугун».

5.50, 6.50, 7.50, 8.50, 20.35 «Вести» — Москва.

8.00 «Кайфият». Тонги канал. 10.50 Газеталар ёмғири.



ШАНБА, 26 ЯНВАРЬ

ЯКШАНБА, 27 ЯНВАРЬ

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».
8.35 ТВ маркет.
8.40 Газетлар шарҳи.
8.55 «Ўзбектелефилм» намойиши: «Ургутлик кулол».

7.55 Кўрсатувлар дастури.
8.00 «Давр тонги».
9.00 «Янги авлод» студияси: Боланинг тили, Олтин калит.

17.15 Кўрсатувлар тартиби.
17.20 Болажонлар экран. «Самолар».

«Умид», «Чинсэн», «Бизнен мирас».
13.40-14.10 «Немис тили».
18.00 Кўрсатувлар тартиби.

6.55 Н. Варлей ва С. Садальский «Москвада уч кун» тонги комедиясида. 1-серия.

6.40 «Балик ови хақида мулоқотлар».
7.05 «Хайвонлар султони». Саргузашт-бадий фильм.

рослава билан.
01.30 «Полиция воқеаси — 2» (АҚШ).

10.15 «Тофик хузурда меҳмонда».
10.30 REN TV да «Fox Kids» «Инспектор Гаджет».

8.00 Хотин-қизлар ҳаётидан. Дайджест.
8.30, 16.00 «Твистнинг кувнок оиласи».

9.35 Кўрсатувлар дастури.
9.40 Шағамнинг нури.
10.05 «Нимадан? Нимага?». Болалар учун дастур.

УМУМХАЛҚ РЕФЕРЕНДУМИ
КУНИ.
6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».

7.55 Кўрсатувлар дастури.
8.00 «Давр тонги».
9.00 «Янги авлод» студияси: Уким? Бу нима?

17.15 Кўрсатувлар тартиби.
17.20 Мультфильм.
17.40 Болажонлар экран. «Анчик данак».

10.30 «Хамма уйдалигида».
11.05 Болалар соати: «Сехрли қилич». Бадий фильм.

9.00 Дастурнинг очилиши.
9.05, 11.30, 17.45, 20.30 — «Телехамкор».

6.45 Тонги комедия. «Москвада уч кун». 2-серия.

6.35 И. Скорупко, А. Домогоаров ва Б. С. Ступка «Олов ва қилич билан» тарихий драмасида.

10.00 «Буни ҳаёт дейдилар». Диний кўрсатув.

6.45 Бизнинг кино. В. Серова ва Л. Целиковская «Турт кишининг қалби» комедиясида.

10.00 «1/52». Спорт шарҳи.
10.15 «Тофик хузурда меҳмонда».

8.00 Хотин қизлар ҳаётидан.
8.30, 16.00 «Твистнинг кувнок оиласи».

9.55 Кўрсатувлар дастури.
10.00 «Нимадан? Нима учун?». Болалар учун дастур.

Хар бир одам ўзининг характери билангина шартли, ўз характеридаги камчиликларни билгани ва тўғрилик олгани келди. Қуйидаги тест саволлари сизнинг характериңизга баҳо беришга ёрдам беради, ажаб эмас. Берилган саволларга жавоблар ёзма ён жойлаштирилган. Сиз ўз фикриңизга мосини танлаб, балларни йиғинг. Тестнинг охиридаги калитдан жавобни олишиңиз мумкин.

1. Сиз аччиқ овқатларни яхши кўрасизми? Ха — 4 балл, Иуқ — 1 балл.
2. Хар қандай мавзуда гапира оласизми? Ха — 3 балл, Иуқ — 2 балл.

6. Баъзида сизнинг белиңиз оғрийдими? Ха — 1 балл, Иуқ — 2 балл.
7. Тиш тозалагичнинг юмшоғини ёқтирасизми ёки қаттигини? Юмшоғини — 1 балл, қаттигини — 3 балл.

9. Кроссвордларни яхши кўрасизми? Ха — 1 балл, Иуқ — 4 балл.
10. Сизда ишончсизликка мойиллик борми? Ха — 1 балл, Иуқ — 4 балл.

хоҳловчи. Сиз яхши дўстсиз, лекин қўллар сизни жонга текан деб ўйлайди.
21-25 баллгача
Сиз тақдирга ишонувчи, танишларнинг хайрихоҳлиғига муҳтожсиз, улар фикрига тезда ишонасиз.

«AL SAFINA» хусусий корхонасига тегишли думалоқ ва бурчак муҳрлари йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.
Тошкент шаҳар «Наврўз» савдо ишлаб чиқариш мажмуаси, «Наврўз» видео уйи раҳбари Акмал Иулчибоевга опаси. Ҳадича Тасхужаевнинг Бевакт вафот этганлиги муносабати билан марҳуманинг оила аъзоларига ва қариндош-уруғларига чуқур ҳамдардлик ва таъзия изҳор этади.

СИЗНИНГ ХАРАКТЕРИҢИЗ



# ФУТБОЛ БЎЙИЧА ЎЗБЕКИСТОН XI МИЛЛИЙ ЧЕМПИОНАТИ ҲИЙИНАЛРИ ТАҚВИМИ



## ОЛИЙ ЛИГА



<b>Биринчи тур.</b> <b>16 март (шанба).</b> Трактор-Пахтакор Самарқанд-Д-Машъал Бухоро-Навбаҳор Сўғдиёна-Андижон Зарафшон-Металлург Темирйўлчи-Қизилқум Насаф — Нефтчи Дўстлик — Академия	<b>Иккинчи тур.</b> <b>23 март (шанба)</b> Трактор-Самарқанд-Д Машъал-Бухоро Навбаҳор-Сўғдиёна Андижон-Зарафшон Metallург-Темирйўлчи Қизилқум-Насаф Нефтчи-Дўстлик Пахтакор-Академия	<b>Учинчи тур.</b> <b>30 март (шанба)</b> Бухоро-Трактор Сўғдиёна-Машъал Зарафшон-Навбаҳор Темирйўлчи-Андижон Насаф-Металлург Дўстлик-Қизилқум Академия-Нефтчи Самарқанд-Д-Пахтакор	<b>Тўртинчи тур.</b> <b>6 апрель (шанба)</b> Трактор-Сўғдиёна Самарқанд-Д-Бухоро Машъал-Зарафшон Навбаҳор-Темирйўлчи Андижон-Насаф Metallург-Дўстлик Қизилқум-Академия Пахтакор-Нефтчи	<b>Бешинчи тур.</b> <b>13 апрель (шанба)</b> Зарафшон-Трактор Сўғдиёна-Самарқанд-Д Темирйўлчи-Машъал Насаф-Навбаҳор Дўстлик-Андижон Академия-Металлург Нефтчи-Қизилқум Бухоро-Пахтакор
<b>Олтинчи тур.</b> <b>20 апрель (шанба)</b> Трактор-Темирйўлчи Самарқанд-Д-Зарафшон Бухоро-Сўғдиёна Машъал-Насаф Навбаҳор-Дўстлик Андижон-Академия Metallург-Нефтчи Пахтакор-Қизилқум	<b>Еттинчи тур.</b> <b>27 апрель (шанба)</b> Насаф-Трактор Темирйўлчи-Самарқанд-Д Зарафшон-Бухоро Дўстлик-Машъал Академия-Навбаҳор Нефтчи-Андижон Қизилқум-Металлург Сўғдиёна-Пахтакор	<b>Саккизинчи тур.</b> <b>4 май (шанба)</b> Трактор-Дўстлик Самарқанд-Д-Насаф Бухоро-Темирйўлчи Сўғдиёна-Зарафшон Машъал-Академия Навбаҳор-Нефтчи Андижон-Қизилқум Пахтакор-Металлург	<b>Тўққизинчи тур.</b> <b>11 май (шанба)</b> Академия-Трактор Дўстлик-Самарқанд-Д Насаф-Бухоро Темирйўлчи-Сўғдиёна Нефтчи-Машъал Қизилқум-Навбаҳор Metallург-Андижон Зарафшон-Пахтакор	<b>Ўнинчи тур.</b> <b>18 май (шанба)</b> Трактор-Нефтчи Самарқанд-Д-Академия Бухоро-Дўстлик Сўғдиёна-Насаф Зарафшон-Темирйўлчи Машъал-Қизилқум Навбаҳор-Металлург Пахтакор-Андижон
<b>Ўн биринчи тур.</b> <b>1 июнь (шанба)</b> Қизилқум-Трактор Нефтчи-Самарқанд-Д Академия-Бухоро Дўстлик-Сўғдиёна Насаф-Зарафшон Metallург-Машъал Андижон-Навбаҳор Темирйўлчи-Пахтакор	<b>Ўн иккинчи тур.</b> <b>8 июнь (шанба)</b> Трактор-Металлург Самарқанд-Д-Қизилқум Бухоро-Нефтчи Сўғдиёна-Академия Зарафшон-Дўстлик Темирйўлчи-Насаф Машъал-Андижон Пахтакор-Андижон	<b>Ўн учинчи тур.</b> <b>15 июнь (шанба)</b> Андижон-Трактор Metallург-Самарқанд-Д Қизилқум-Бухоро Нефтчи-Сўғдиёна Академия-Зарафшон Дўстлик-Темирйўлчи Навбаҳор-Машъал Насаф-Пахтакор	<b>Ўн тўртинчи тур.</b> <b>22 июнь (шанба)</b> Трактор-Навбаҳор Самарқанд-Д-Андижон Бухоро-Металлург Сўғдиёна-Қизилқум Зарафшон-Нефтчи Темирйўлчи-Академия Насаф-Дўстлик Пахтакор-Машъал	<b>Ўн бешинчи тур.</b> <b>29 июнь (шанба)</b> Машъал-Трактор Навбаҳор-Самарқанд-Д Андижон-Бухоро Metallург-Сўғдиёна Қизилқум-Зарафшон Нефтчи-Темирйўлчи Академия-Насаф Дўстлик-Пахтакор
<b>Ўн олтинчи тур.</b> <b>3 август (шанба)</b> Трактор-Машъал Самарқанд-Д-Навбаҳор Бухоро-Андижон Сўғдиёна-Металлург Зарафшон-Қизилқум Темирйўлчи-Нефтчи Насаф-Академия Пахтакор-Дўстлик	<b>Ўн еттинчи тур.</b> <b>10 август (шанба)</b> Навбаҳор-Трактор Андижон-Самарқанд-Д Metallург-Бухоро Қизилқум-Сўғдиёна Нефтчи-Зарафшон Академия-Темирйўлчи Дўстлик-Насаф Машъал-Пахтакор	<b>Ўн саккизинчи тур.</b> <b>17 август (шанба)</b> Трактор-Андижон Самарқанд-Д-Металлург Бухоро-Қизилқум Сўғдиёна-Нефтчи Зарафшон-Академия Темирйўлчи-Дўстлик Машъал-Навбаҳор Пахтакор-Насаф	<b>Ўн тўққизинчи тур.</b> <b>24 август (шанба)</b> Metallург-Трактор Қизилқум-Самарқанд-Д Нефтчи-Бухоро Академия-Сўғдиёна Дўстлик-Зарафшон Насаф-Темирйўлчи Андижон-Машъал Навбаҳор-Пахтакор	<b>Йигирманчи тур.</b> <b>29 август (шанба)</b> Трактор-Қизилқум Самарқанд-Д-Нефтчи Бухоро-Академия Сўғдиёна-Дўстлик Зарафшон-Насаф Машъал-Металлург Навбаҳор-Андижон Пахтакор-Темирйўлчи
<b>Йигирма биринчи тур.</b> <b>3 сентябрь (сешанба)</b> Нефтчи-Трактор Академия-Самарқанд-Д Дўстлик-Бухоро Насаф-Сўғдиёна Темирйўлчи-Зарафшон Қизилқум-Машъал Metallург-Навбаҳор Андижон-Пахтакор	<b>Йигирма иккинчи тур.</b> <b>14 сентябрь (шанба)</b> Трактор-Академия Самарқанд-Д-Дўстлик Бухоро-Насаф Сўғдиёна-Темирйўлчи Машъал-Нефтчи Навбаҳор-Қизилқум Андижон-Металлург Пахтакор-Зарафшон	<b>Йигирма учинчи тур.</b> <b>21 сентябрь (шанба)</b> Дўстлик-Трактор Насаф-Самарқанд-Д Темирйўлчи-Бухоро Зарафшон-Сўғдиёна Академия-Машъал Нефтчи-Навбаҳор Қизилқум-Андижон Metallург-Пахтакор	<b>Йигирма тўртинчи тур.</b> <b>19 октябрь (шанба)</b> Трактор-Насаф Самарқанд-Д-Темирйўлчи Бухоро-Зарафшон Машъал-Дўстлик Навбаҳор-Академия Андижон-Нефтчи Metallург-Қизилқум Пахтакор-Сўғдиёна	<b>Йигирма бешинчи тур.</b> <b>26 октябрь (шанба)</b> Темирйўлчи-Трактор Зарафшон-Самарқанд-Д Сўғдиёна-Бухоро Насаф-Машъал Дўстлик-Навбаҳор Академия-Андижон Нефтчи-Металлург Қизилқум-Пахтакор
<b>Йигирма олтинчи тур.</b> <b>2 ноябрь (шанба)</b> Трактор-Зарафшон Самарқанд-Д-Сўғдиёна Машъал-Темирйўлчи Навбаҳор-Насаф Андижон-Дўстлик Metallург-Академия Қизилқум-Нефтчи Пахтакор-Бухоро	<b>Йигирма еттинчи тур.</b> <b>9 ноябрь (шанба)</b> Сўғдиёна-Трактор Бухоро-Самарқанд-Д Зарафшон-Машъал Темирйўлчи-Навбаҳор Насаф-Андижон Дўстлик-Металлург Академия-Қизилқум Нефтчи-Пахтакор	<b>Йигирма саккизинчи тур.</b> <b>16 ноябрь (шанба)</b> Трактор-Бухоро Машъал-Сўғдиёна Навбаҳор-Зарафшон Андижон-Темирйўлчи Metallург-Насаф Қизилқум-Дўстлик Нефтчи-Академия Пахтакор-Самарқанд — Д	<b>Йигирма тўққизинчи тур.</b> <b>23 ноябрь (шанба)</b> Самарқанд-Д-Трактор Бухоро-Машъал Сўғдиёна-Навбаҳор Зарафшон-Андижон Темирйўлчи-Металлург Насаф-Қизилқум Дўстлик-Нефтчи Академия-Пахтакор	<b>Ўттинчи тур.</b> <b>30 ноябрь (шанба)</b> Пахтакор-Трактор Машъал-Самарқанд-Д Навбаҳор-Бухоро Андижон-Сўғдиёна Metallург-Зарафшон Қизилқум-Темирйўлчи Нефтчи-Насаф Академия-Дўстлик

# ЎЗБЕКИСТОН КУБОГИ

10-25 март, нимчорак финал

**ДЎСТЛИК-ПАХТАКОР**

10 апрель — 1 май, чорак финал

АКАДЕМИЯ — ДЎСТЛИК — ПАХТАКОР  
 УЧРАШУВИ ФОЛИБИ БИЛАН  
 ТЕМИРЙЎЛЧИ — НАСАФ  
 АНДИЖОН-ҚИЗИЛҚУМ  
 НЕФТЧИ-ЗАРАФШОН

22 МАЙ — 5 ИЮНЬ, ЯРИМ ФИНАЛ  
 26 ИЮНЬ ФИНАЛ



Tuhfa

БАРИБИР ЯХШИСИЗ...

Зилола ХЎЖАНИЁЗОВА — «Юрагимда бир гул ўсади» шеърий тўплами муаллифи. Ҳозирда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурдаги Давлат ва жамият қурилиши Академияси аспиранти.



ИШҚ

Мен розиман, дунёи-дун Сазойи қил, гадойи қил, Неки яна кўнгуллик бор, Бошгинамга балойи қил. Майли, куйсин менга дўст-ёр, Майли, кулсин мендан ағёр, Эй чархи-дун, ёлбораман, Ишқдан айир, ишқдан айир.

Ўксимагил, юрагимга Гусса бўлсин майли ошно. Оҳ, ёлғизлик, тиловатга Билсанг эдим қанча ташна. Энди менга изн бергил, Фанг томон этай сайр. Эй чархи-дун, ёлвораман, Ишқдан айир, ишқдан айир.

Зулумот тун, ваҳий келар, Тушларимда синоатли. Ўзга менда сабр йўқдир, Тоқат йўқдир итоатли. Саркаш дилим, яккаш дилим, Куйиб кетар бунда бағир. Эй чархи-дун, ёлбораман, Ишқдан айир, ишқдан айир.

МЭН...

Мен... Мен эмасман, бўлди, чарчадим. Чиқарган ҳукимим шу — ҳислар хомталаш, Алвидо, минг йиллик севганим, дардим, Алвидо, шеър тусда куй бўлиб яшаш. Бунда кумурсқалар сахий ҳукмдор, Иймон кўнгил аро сарғайган сароб. Кўй, мени чорлама, о, азобхўр дор, Мен сени севмайман севгилим, Азоб. Мен кетмоқ истайман, йиглама шафқат, Фамимдош эгачим безабон тунда. Ассалом — илоҳим, о, нури хилқат. Муқаддас — сўз ва унга сизинган банда. Мен энди мен эмас... эврилган одам.

Зилола ХЎЖАНИЁЗОВА

НОСТРАДАМУС

Ким бўлган?

Келажакда содир бўлиши кутилаётган воқеалар ҳамда тарих саҳифаларидан ўрин олган оламшумул ҳодисалар ҳақида олдиндан башорат қилувчи шахслар инсоният ҳаётида жуда кўп учраган, аммо улар орасидан башоратларининг баъзилари амалда тасдиқлангани Фарангистонлик Нострадамусдир.

Асли исми Мишель де Нострадам бўлган бу башоратчи 1503 йилнинг 14 декабрда Франциянинг Сеинт-Рему шаҳрида таваллуд топган. У Монпеллер университетидида тиббиёт соҳаси бўйича таълим олган. Уша пайтлар шаҳарда юқумли касалик таркагани учун ҳамма шифокорлар қочиб кетганда ёлғиз Нострадамус талаба бўлишига қарамай — жароҳат олганларга қўлдан келганча ёрдам бериб, кўпчиликнинг ҳурмати қозонади. У университетни муваффақиятли тамомлагач, саёҳат қилгани юрт кеза бошлади, 1547 йилга келиб у Салон шаҳрида яшовчи бадавлат бева хонимга уйланади. Молиявий маблағга эга бўлгач, Нострадамус фалаккиёт соҳасидаги билимини ошириб, юлдуз-

ли осмон, инсон, табиат ва умуман коинотларни чуқур ўрганиш ва астрологик ҳисоб-китоблар асосида келажак ҳақида башоратлар қила бошлайди. 1560 йилга келиб Нострадамус Ки-рол Чарлес IX нинг шахсий шифокори этиб тайинланиши сиёсий башоратларни амалга ошириш учун кенг имкониятларни яратади.

Америкалик астролог Жон Хогга тегишли бўлган "Нострадамус ва Олтин аср" номли асарида ёзилишича, XVI асрда яшаб ижод этган бу башоратчи 3797 йилга қадар содир бўлиши кутилаётган воқеа ҳодисалар ҳақида башорат қилган. Нострадамус инсоният учун умуман янгилик бўлиб кўринадиган нарса — буюмлар, антиқа мавжудотлар, сиёсий-ижтимоий можаролар хусусида ҳам ёзиб қолдирган.


Машҳур тиббиётчи олим ва башоратгўй астролог Мишель Нострадамус ўзи башорат қилгандек, 1566 йили 2 июлда Салон шаҳрида ҳаёт билан видолашади.

Рустам СУЛАЙМОНОВ

Қадрли укам Сардор Мадатов!

Сени навқирон ўн саккиз ёшинг билан чин юракдан табриклайман! Ўқиш ва ишларингда муваффақиятлар тилайман, ота-онанг, яқинларинг бахтига етук инсон бўлиб етишишингга тилакдошман.

БОБУР



«Turkiston» qaldirg'ochlari

ОНАМГА

Мунисим, азизим, дилбарим, онам, Меҳрингиз яшагай мангу дилимда, Мушфиқим дейми ё дейми яғонам, Ташбехга ҳеч сўз йўқ тилимда.



Аллангиз бўлгандир юрагимга жо, Киёслай олмайман Сизни ҳеч кимга. Онажон, рости гап, Сизсиз бу дунё, Ҳеч қачон сизмайди тасаввуримга.

Лобар ПАРДАЕВА,

Қарши шаҳридаги 5-мактаб ўқувчиси

Тошкент вилояти Зангиота туманидаги 45-ўрта мактаб томонидан 1999 йилда Насриддинов Фахриддин Сайдазимович номига берилган №5474463 рақамли шаходатнома йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Тошкент шаҳар Юнусобод туман ИИБ томонидан 1957 йил 26 январда турилган Каримбердиева Малохат Хотамовнага берилган СА 0387569 рақамли фуқаролик паспорти йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Тошкент шаҳар Юнусобод туманидаги 21-ўрта мактаб томонидан Юнусов Бахтиёр Каримович номига 1999 ўқув йилида берилган ОРЗ 332592 рақамли гувоҳнома йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Тошкент шаҳар ташқи-иқтисодий фаолият миллий банки томонидан "Зиёвуддин Хожи" хусусий фирмасига берилган №0681401-0681425 рақамли чек дафтарчаси ва бурчак штамп-пи йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

ЭНИГА:

1. Ибодат. 3.Кенгаш, фикрлашиш. 7.Дурадгорлик асбоби. 9.Ширинлик. 11.Жасорат кўрсатган киши. 12.Оналар кўшиги. 14.Кизлар кўрқига кўрк кўшувчи ўсимлик. 15.Уфққа қадар кўриниб турадиган манзара. 17.Балиқ уруғи. 18.Нота. 19.Нота. 21.Фармонбининг "ўнг кўли". 22.Узум нави. 24.Челакнинг шевада кўлланилиши. 26.Ўғил болалар исми. 27.Матмусанинг "ихтироси". 28.Тан олиш. 29.Физик олим. 31.Туйилган бугдой. 32.Тананинг ташқи қопламаси. 34.Европадаги давлат. 35.Осмон, фалак. 37.Россиялик хонанда. 39.Молбоқар. 43."Шашмаком"нинг бешинчи мақоми. 45.Ранг. 46.Лирик жанр. 47.Бошоқли дон тури.

БОШҚОТИРМА

БЎЙИГА:

1.Икки қарра икки. 2.Подшолар ўриндиги. 3.Тайёргарлик, машғулот. 4.Таҳлил, изоҳ. 5.Мурувват. 6.Том Соьернинг отаси. 7.Кўрпа ёки кўрпачанинг сиртқи қавати. 8.Қариндош. 10.Италия пойтахти. 13.Кизлар тирноғи ёки безаги. 15.Ёзувчи. 16.Майдон, ўлчов бирлиги. 18.Олий табақа футбол жамоаси. 20.Рус шоири. 21.Кўрғоннинг бўлаги. 22.Теннис майдони. 23.Лирик асарлар муаллифи. 25.Япроғи хушбўй дарахт. 30.Нота. 31.Кушнинг хонадони. 33.Миллат. 36.Ҳасса. 37.Йирик йиртқич ҳайвон. 38.Ўз касбининг билимдони. 39.Қалин, пишиқ тери. 40.Бошлик, раҳбар. 41.Бурж. 42.Хошиш, майл. 43.Фарзлардан бири. 44.Отнинг "қовуши"

Grid puzzle with numbers 1-44 and some letters filled in. Includes a small illustration of a person reading.

Тузувчи: Нодирбек ОРТИҚОВ

Turkiston newspaper logo and contact information: Газета Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитасида № 00012 рақам билан рўйхатдан ўтган. Офсет усулида босилган. Қозғ бичими А-3.

Бош муҳаррир: Салим АШУРОВ. Таҳрир хайъати: Ботир УБАЙДУЛЛАЕВ, Комила ЮСУПОВ, Аслиддин БОЛИЕВ, Юсуф ЖЎРАЕВ (Бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари), Рустам ҚОСИМОВ, Баҳодир МАХСИТОВ, Анвар ЖАББОРОВ, Ислоҳ ҲАМРО, Файрат ШОУМАРОВ, Авазхон СОДИҚОВ, Насриддин МУҲАММАДИЕВ, Шоазим МИНОВАРОВ, Ғаффор ҲОТАМОВ, Абдуғани ЖУМАЕВ.

Вилоят муҳбирлари: Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятлари бўйича — Термизга: 8-37-622 — 3-53-88. Бухоро ва Навоий вилоятлари бўйича — Бухорога: 8-36-522 — 3-37-44. Сирдарё, Жиззах ва Тошкент вилоятлари бўйича — Гулистонга: 8-36-722 — 4-02-86. Фаргона, Андижон ва Наманган вилоятлари бўйича — Фарғонага: 8-37-322 — 4-54-61. Самарқанд вилояти бўйича — Самарқандга: 8-36-622 — 2-59-31. Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти бўйича — Урганчага: 8-36-222 — 7-45-22. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. Буюртма Г. — 31 10. Адади-8428. Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Манзилимиз: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32. Телефонлар: 136-54-62, Режама бўлими: (3712) 133-79-69. «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Навбатчи муҳаррир: Воҳид БОЙМУРОДОВ. Саҳифаловчи: Нодирбек ОРТИҚОВ.